

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 24/30.12. 2019.GM.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**ЮЛДАШЕВ ҒАФУР**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРНИНГ ГЕОЭЛЕКТРИК САМАРАСИ ВА  
НЕФТГАЗЛИЛИКНИ ГЕОФИЗИК УСУЛЛАРДА ПРОГНОЗЛАШ**

**04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш**

**ГЕОЛОГИЯ–МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

**Юлдашев Гафур**

Нефть ва газ конларнинг геоэлектрик самараси ва нефтгазлиликни  
геофизик усулларда прогнозлаш..... 3

**Юлдашев Гафур**

Геоэлектрический эффект залежей нефти-газа и прогнозирование  
нефтегазоносности геофизическими методами..... 27

**Yuldashev Gafur**

Goelectric effect of oil and gas deposits and forecasting of oil and gas  
possibilityby geophysical methods..... 51

**Нашр қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ List of published works..... 55

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 24/30.12. 2019.GM.41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ  
ИНСТИТУТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**ЮЛДАШЕВ ҒАФУР**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРНИНГ ГЕОЭЛЕКТРИК САМАРАСИ ВА  
НЕФТГАЗЛИЛИКНИ ГЕОФИЗИК УСУЛЛАРДА ПРОГНОЗЛАШ**

**04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш**

**ГЕОЛОГИЯ – МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/GM42 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.ing.uz](http://www.ing.uz)) ва “Ziyonet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Бабаджанов Тошпулат Лепесович**  
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шоймуратов Тўйчи Халикулович**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Раджабов Шухрат Сайфуллаевич**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Исмаилов Вахитхан Алиханович**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги DSc24/30.12.2019.GM41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « 22 » октябр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15); e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz)).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4137 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15; e-mail: [igirnigm@ing.uz](mailto:igirnigm@ing.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил « 28 » сентябр куни тарқатилди.  
(2020 йил « 20 » мартдаги 1 рақамли реестр баённомаси).

**Ю.И. Иргашев**

Илмий даражалар бериш бўйича  
Илмий кенгаш раиси  
г-м.ф.д., профессор

**М.Г. Юлдашева**

Илмий даражалар бериш бўйича  
Илмий кенгаш  
илмий котиби, г-м.ф.н.

**Т.Х. Шоймуратов**

Илмий даражалар бериш бўйича  
Илмий кенгаш ҳузуридаги  
Илмий семинар раиси, г-м. ф.д.

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда нефть ва газ соҳасининг ривожланиши нефт-газга истиқболли янги объектларни аниқлашда ва чуқур бурғулашга тайёрлашда геофизика тадқиқотларини геология қидирув жараёнига фаол жорий қилиш билан кузатилмоқда. Геофизика комплексида электрқидирувнинг магнитотеллурик зондлаш усули объектларнинг нефтгазлилигини прогнозлашда қўлланилаётган самарали усуллардан биридир. Усулнинг афзаллиги катта чуқурликларни тадқиқот қила олиши ва у табиий электромагнит майдонини ўлчашга асосланганлиги учун кучли ток генераторларисиз тадқиқотлар олиб бориш имконини беради. Шунинг учун, нефть ва газ тутқичларини излашда ва мукамал-излов тадқиқотларида нефть ва газ соҳасининг уствор масалаларидан бири юқори технологик, шовқинга чидамли аппаратур-дастурли комплексларни кенг миқёсда қўллашдан иборат.

Ҳозирги вақтда дунёда ер остининг нефтгазлилигини геофизик усулларда прогнозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун турли йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, электрқидирувнинг тўғри ва тесқари масаласини ечиш, инновацион технологиялар ва геофизика материалларини қайта ишлаш ва талқин қилиш усулларини ишлаб чиқиш, нефть ва газ уюмларининг геоэлектрик самарасини аниқлаш, мураккаб тузилган ва чуқур ётган объектларни ажратиш усулларини такомиллаштириш, нефтгазлилигини баҳолаш мезонларини аниқлаш нефть ва газ қидириш-излаш ишларининг иқтисодий самарадорлигини ошишига ёрдам беради.

Республикамизда ёқилғи-энергетика комплексининг ҳар томонлама ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу углеводород хом-ашё захирасини ва уни қазиб чиқаришни ортишига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бу самарали геофизика-электрқидирув, усулларини ва инновацион технологияларни жорий қилиш йўли билан янги объектларни тайёрлаш ва ўзлаштириш хисобига, геологияқидирув ишларининг хажмини ошириш зарурлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегиясида «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожланишга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтқозиш...»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда нефть ва газ конларини геофизик усуллар билан прогнозлашда янги самарали кузатиш ва электрқидирув маълумотларини таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш, фойдали сигналлар даражасини ва электрқидирув тадқиқотларининг ишончлилигини ошириш, объектларнинг нефтгазлилик мезонларини асослаш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2822-сонли «2017-2021 йилларда углеводород хом ашёсини қазиб олишни кўпайтириш Дастури», 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3372-сонли «2017-2021 йилларда «Ўзбекнефтегаз» АЖ бўйича минерал ресурслар базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сонли «Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Геофизика усулларида объектларнинг нефть ва газга истиқболлигини прогноз қилиш бўйича, геофизик маълумотларни кузатиш ва талқин қилишнинг янги самарали усулларида назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of State Utah, University of Texas, Society of Exploration Geophysicists (АҚШ), «Schlumberger» (Франция), «Phoenix geophysics Ltd» (Канада), Chine University of Geosciences (Хитой), Москва давлат университетида, Санкт-Петербург давлат университетида, Россия Фанлар Академияси Сибир бўлими нефть ва газ геологияси ва геофизикаси институтида, Бутунроссия геофизика усуллари қидируви илмий-текшириш институтида, Бутунроссия қидирув геофизикаси институтида, Россия Фанлар Академияси Ер Физикаси институтида, Марказий геофизика экспедициясида, Евро-Осиё геофизика жамиятида, Nord-West Geophysics (Россия), Украина давлат геология-қидируви институтида, «Укргеофизика» Давлат геология корхонасида, Геофизика институтида (Украина), Озарбайжон Миллий Фанлар Академияси геология ва геофизика институтида, Геология фанлари институтида, Геология ва нефть ва газ иши институтида (Козоғистон), шунингдек «Ўзбекгеофизика» АЖда ва Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://elsevierscience.ru/products/scopus>; <http://elsevierscience.ru/products/science-direct>; <https://scholar.google.com> ; <http://science.spb.ru/sci/index/wos> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Геофизик усулларда объектларнинг нефть ва газличилигини прогноз қилишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий ва амалий натижалар олинган, жумладан: геофизик усулларда нефть ва газ конларини прогнозлашнинг илмий ва услубий асослари ишлаб чиқилган, кон ва кон атрофидаги жисмларнинг физик хусусиятларининг ўзгариши ва уларнинг сейсмик, гравитацион ва электромагнит майдонларида намоён бўлиши аниқланган (Бутунроссия геофизика усуллари қидируви илмий-текшириш институти); электрқидирувнинг тўғри ва тескари масаласини ечиш усулларида магнитотеллурик майдоннинг 1D, 2D, ва 3D-моделли ва инверсиясини ечиш усули ишлаб чиқилган (University of State Utah, АҚШ; Москва давлат университети, Россия Фанлар Академияси Ер Физикаси институти, Санкт-Петербург давлат университети); кучсиз электромагнит майдонларни ўлчаш ва электрқидирув ахборотларини қайта ишлаш учун юқори сезгирли, шовқинга чидамли бешинчи авлод аппаратур-дастурли комплекслар ишлаб чиқилган («Phoenix geophysics Ltd», Канада; Бутунроссия қидирув геофизикаси институти); углеводород уюмларининг геофизик майдонга таъсири аниқланган ва нефть ва газга истиқболли локал аномалияларни аниқлаш бўйича талқин қилиш усуллари ишлаб чиқилган («Укргеофизика» Давлат геология корхонаси, Геофизика институти, Украина; Озарбайжон Миллий Фанлар Академияси геология ва геофизика институти; Геология фанлари институти, Геология ва нефть ва газ иши институти, Қозоғистон; «Ўзбекгеофизика» АЖ, Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти, Ўзбекистон).

Дунёда геофизика усуллари билан нефтьгазчиликни прогнозлаш бўйича қатор устивор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: тадқиқотнинг чуқурлигини ва прогнознинг ишончилигини ошириш усуллари ишлаб чиқиш; чуқур ётган ва мураккаб тузилган углеводород конларини ажратиш бўйича геофизика ва термогеокимёвий усуллари раціонал мажмуасини ишлаб чиқиш; магнитотеллурик майдоннинг уч ўлчамли моделини қуриш усуллари такомиллаштириш; геофизика материалларини қайта ишлаш ва талқин қилишнинг самарали усуллари ва инновацион технологияларни яратиш; объектларнинг нефтьгазчиликни баҳолашнинг ишончли мезонларини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Нефть ва газчиликни прогноз қилишда геофизик усулларнинг имкониятларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар 1970-йилларнинг бошларида бошланган. Нефть ва газ конларини ўрганиш жараёнида олинган материаллар, кузатилган электр, сейсмик, гравитация ва магнит майдонларида углеводород конларининг таъсири кўринишидан далолат беради. Муаммони ҳал қилишдаги асосий қийинчиликлардан бири, конларнинг майдонга таъсири кучсизлиги сабабли, шовқинлардан фойдали аномалияларни ажратишда мураккабликлар келиб чиқади, шунинг учун кўп ҳолларда баъзи геофизик усулларнинг натижалари аниқ бўлмади. Шу муносабат билан, аномалияларни ажратиш усуллари ва назариясини ишлаб чиқиш, уларни физик-геологик асослаш соҳасида катта

ишлар қилинди. Геофизиканинг тўғри ва тескари масаласини ҳал қилиш учун катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди ва юқори сезгир, шовқинга чидамли аппарат-дастурий комплекслар ишлаб чиқилди ва қўлланилмоқда.

Электрқидирувнинг магнитотеллурик зондлаш (МТЗ) усулининг ривожланиши ва шаклланишида математиклар ва геофизиклар А.Н.Тихонов, Л.Каньяр, М.Н.Бердичевский, Н.В.Липская, Т.Контуэлл, Ф.Бостик, Д.Рэнкин, В.И.Дмитриев, Л.Л.Ваньян, М.С.Жданов, И.А.Безрук, Дж.Уэйт, А.Прайс, Т.Гэмбл, Д.Ларсен, А.Джонс, А.Чейве, Г.Эгберт ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Ўзбекистоннинг истиқболли минтақаларида нефть ва газлиликни прогноз қилиш муаммоларини ҳал қилишда электрқидируви, айниқса МТЗ усули, геофизик усуллар орасида муҳим ўрин тутади. Ўтган асрнинг 80-йилларида нефтьгаз уюм туридаги аномалия (АТЗ) объектларни бурғилашга тайёрлаш ва одатдаги усулда бурғулаш учун тайёрланган тузилмаларнинг нефть ва газга истиқболлигини баҳолаш бўйича ишлар бошланди. Ушбу ишларнинг асосий усули – сейсмиққидирувнинг умумий чуқурлик нуқтаси (МОГТ) ишлари (Т.Л. Бабаджанов, И.И. Перельман, Ю.М. Ячменников, С.Н. Зуев, А.А. Табаков ва бошқалар), кўшимча - электрқидирув (А.В. Киршин, М.Д. Басов, Ю.Е. Меркулов, Н.Г. Зарипова, Л.П. Сорокотяга, Н.М. Рашидов, Л.С. Трусова, Н.У. Мухутдинов) ва гравиметрия (А.С. Орловский, М.А.Дырда, Н.А. Буняк) эди. Ишларнинг асосий қисми Бухоро-Хива нефтьгазли худудида (БХНГО) ва қисман Устюрт платосида амалга оширилди. Таҳлил натижалари, АТЗ объектларининг нефть ва газлилик прогнозининг тасдиқланиши анъанавий тузилмаларга нисбатан 1,5–2 баравар юқорилигини кўрсатди. МОГТ-3D ва замонавий рақамли электрқидирув станцияларини ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида нефть ва газга истиқболли майдонларнинг батафсил геологик тузилишини прогнозлаш мумкин бўлди. Эталон конлардаги электрқидирув ишлари (МТЗ) натижасида, нефть ва газлиликни прогноз қилишда унинг самарадорлиги анча юқорилиги исботланди. Муаммонинг ҳозирги ҳолатини ўрганилганликнинг таҳлили шуни кўрсатадики, муҳим ютуқларга қарамай, ўрганилиши зарур бўлган масалалар мавжуд, яъни: магнитотеллурик майдонда нефть ва газ конларини геоэлектрик таъсирининг намоён бўлиши; турли геоэлектрик моделларни қуриш; қийин геоэлектрик шароитда нефть ва газга истиқболли зоналарни аниқлаш учун ишончли белгиларни аниқлаш; усулларни такомиллаштириш ва янада ривожлантириш; электрқидирув материалларини бошқа геофизик усуллар, биринчи навбатда сейсмиққидирув усуллари билан мажмуалаш каби масалалардир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти «Ўзбекнефтгаз» ва «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамиятлари илмий-тадқиқот ишлари режасининг: 7/02-04 "Судочье бурмаси ва унга туташ худудлардаги геологик ва геофизик ишлар материалларини умумлаштириш ва қайта талқин қилиш" (2002-2004), 09/06-09 "Бухоро-Хива нефтьгазли минтақаси ва Фарғона ботиклигининг жанубий қисмида олинган МТЗ, ЗСД-ЗИ



материалларини талқин қилиш ва ВП-ВЭЗ дала ишлари усулини такомиллаштириш бўйича тажриба-услубий ишлар" (2006-2009), 10/09-12 «БХНГОнинг жануби-шарқий қисмида илгари бажарилган электрқидирув ишлари (МТЗ, ЗС) материалларини умумлаштириш ва қайта талқин қилиш» (2009-2012), 11/12-15 "БХНГОнинг марказий қисмида илгари ўтказилган электрқидирув ишлари материалларини умумлаштириш ва қайта талқин қилиш" (2012-2015), 13/04-07 «Бешкент бурмасининг марказий қисмида МТЗ, ВП-ВЭЗ қидирув ишларини олиб бориш» (2004-2008), 09/07-10 «Фарғона ботиқлигининг жанубий бортидаги нефть ва газга истиқболли майдонларда электрқидирув ишларини олиб бориш» (2007-2010), 01/15-16 «Бухоро-Хива минтақасининг жануби-шарқий қисмида регионал ГМТЗ электрқидирув ишлари» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** углеводород конларининг геоэлектрик таъсирини аниқлаш бўйича турли хил эталон конларнинг физик-геологик хусусиятларини, тузилмаларнинг ва электрқидирув усулларда аниқланган янги объектларнинг нефтгазлилигини прогнозлаш учун бу хусусиятларнинг кузатиладиган электр майдонда намоён бўлишини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги майдонларнинг нефть ва газлилигини прогноз қилиш учун геологик ва геофизик маълумотларни комплекс талқин қилиш услубларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

электркаротаж маълумотларидан фойдаланган ҳолда эталон конларнинг моделини яратиш ва углеводород конларининг геоэлектрик таъсирини аниқлаш;

электромагнит майдонда углеводород конларининг геоэлектрик таъсири намоён бўлишини ўрганиш ва частота диапазонларини стратиграфик таянч горизонтларга боғлаш;

минтақанинг аниқ геоэлектрик шароитлари учун, кучсиз электр аномалияларни ҳалақит берадиган шовқиндан ажратиш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

Бухоро-Хива минтақасида юра карбонат ётқизиқларининг нефть ва газга истиқболлигини прогноз қилишда Канаданинг «Phoenix geophysics Ltd» компаниясининг замонавий V-5 SYSTEM-2000 3D электрқидирув аппаратур-дастурий технологиясини мослаштириш ва синовдан ўтказиш;

юра давригача бўлган чуқур ётган қатламларнинг геологик тузилишини ўрганишда электрқидирув имкониятларини аниқлаш;

Бухоро-Хива минтақасининг марказий ва жануби-шарқий қисмлари, Шарқий Устюрт ва Фарғона ботиқлигининг жанубий қисмлари учун нефть ва газга истиқболли аномалиялар жойлашиш харитасини тузиш;

биринчи навбатдаги чуқур қидирув қудуқлари қўйиш учун объектларни аниқлаш ва батафсил геофизика ишлари олиб бориладиган жойларни белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Бухоро-Хива минтақасининг юра даври терриген ва карбонат ётқизиқлари, Устюртнинг юқори палеозой ва юра даври терриген

ётқизиқлари, Фарғона ботиқлигининг жанубий қисмидаги неоген-палеоген ётқизиқлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** нефть ва газ конларининг геоэлектрик самараси ва нефтьгазлиликни геофизик усулларда прогнозлашни ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қудуқларда геофизика тадқиқотлари (ГИС) маълумотлари асосида геоэлектрик моделлар қурилди. ЭИИ-2000 ва V-5 SYSTEM – 2000 аппарат-дастурий таъминот комплексларида ёзиб олинган дала электрқидирув материалларига «TELLAN», «SSMT-2000», «MtEditor», «WinGlink» махсус комплексларида ишлов берилди. Назарий МТЗ эгри чизиқлари, дала эгри чизиқларини танлаш усули ёрдамида ҳисоблаб чиқилди. Кон билан боғлиқ кучсиз электр аномалияларини ажратиш учун магнитотеллурик майдонни оралиқ ўтказувчанлик параметри ва 1D – инверсияси каби дифференциал трансформациядан фойдаланилди. МТЗнинг тескари масаласини ҳал қилиш учун кесим ҳақидаги бурғилаш ва МОГТ маълумотларидан кенг фойдаланилди. Магнитотеллурик (МТ) майдонининг 1D-инверсияси ва оралиқ ўтказувчанлик кесимлари ёрдамида аниқланган геоэлектрик горизонтларни аниқ геологик чегаралар билан боғлашда, ГИС маълумотлари бўйича назарий ҳисоблардан, МТ-майдон моделларидан ва чуқурликнинг МТ-майдон даврига боғлиқлик графигидан фойдаланилди. Геологик горизонтлар ва аномал объектлар электромагнит майдоннинг характерли хусусиятлари бўйича аниқланди. Геоэлектрик кесим бурғулаш ва қудуқларда геофизика тадқиқотлари (ГИС) маълумотлари бўйича стратификация қилинди. Геология қидирув ишларининг йўналишига аниқлик киритувчи, Бухоро-Хива, Устюрт ва Фарғона минтақаларининг алоҳида участкалари учун электрқидирув аномалияларининг жойлашиш хариталари тузилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

нефть ва газ конларига боғлиқ бўлган геоэлектрик самараларни аниқлаш асосида электрқидирувнинг магнитотеллурик зондлаш усули билан нефтьгазлиликни прогнозлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

магнитотеллурик майдонни трансформация қилишга асосланган янги кесимнинг оралиқ ўтказувчанлигини аниқлаш усули ишлаб чиқилган ва нефть ва газ уюмларининг геоэлектрик самарасини аниқлашда унинг юқори аниқлиги исботланган;

ГИС, вертикал сейсмик профиллаш (ВСП) ва сейсмик вақт кесимлари маълумотларидан фойдаланган ҳолда магнитотеллурик майдоннинг оралиқ ўтказувчанлик кесимларини стратификация ва чуқурликка боғлаш усули ишлаб чиқилган;

«Phoenix Geophysics Ltd» компаниясининг замонавий аппарат-дастурий комплекси V-5 SYSTEM-2000 қўлланилганда электрқидирув тадқиқотларининг юқори самарадорлиги ва унумдорлиги Бухоро-Хива нефтьгазли регионида аниқланган;

Илк бор нефть ва газ конларининг ҳосил бўлиши ва жойлашиши жараёнида муҳим роль ўйнайдиган чуқур иссиқлик ва масса узатиш каналларини аниқлашда электрқидирувнинг термогеокимёвий усул билан мажмуалагандаги истиқболлари исботланган;

юрагача бўлган ҳосилаларнинг геологик тузилишини аниқлашда электрқидирувнинг имкониятлари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

геоэлектрик самара асосида, объектларнинг нефтгазга истиқболлигини прогнозлаш усули ишлаб чиқилган;

Бухоро-Хиванинг марказий ва жанубий-шарқий қисмларида, Шарқий Устюрт ва Фарғона ботиклигининг Жанубий бортида нефтгазга истиқболли майдонларининг прогноз харитаси тузилган;

майдонларнинг нефтгазга истиқболлигини электрқидирув билан прогнозлашнинг ишончлилиги ошган;

электрқидирув ишларини сейсмиққидирув ишлари билан мажмуалаш натижасида бир қатор объектлар ва тузилмалар чуқур бурғулашга топширилган ва бурғулаш натижасида тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Юқори аниқликдаги аппаратур-дастури мажмуаларни қўллаш, 100 дан ортиқ чуқур кудуқларда ўтказилган геофизик тадқиқот материаллари, эталон объектларда магнитотеллурик майдонни математик ҳисоблаш ва моделлаш, аниқланган ва бурғулаш учун топширилган электрқидирув аномалияларида амалга оширилган сейсмиқ ва бурғулаш ишлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нефть ва газ уюмлари ва углеводородларнинг жисмларда дарз кетган зоналаридан сизиб ўтиши билан боғлиқ бўлган геоэлектрик самаранинг магнитотеллурик майдонда маълум белгилар билан намоён бўлишини асослаш, ҳамда нефтгазлилик билан боғлиқ бўлган кучсиз электр аномалияларни дифференциал ўзгартириш ва МТ–майдонни 1D-инверсияси усуллари билан ажратиш ва чуқурликка боғлашдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган дастурий тизимлардан, геоэлектрик ножинсликни аниқлаш усуллари ва мезонларидан фойдаланиш нефть ва газга истиқболлиликни электрқидирув ва умуман геофизик усуллар мажмуаси билан прогноз қилишнинг ишончлилигини оширади. Чуқур бурғулаш учун сейсмиққидирув билан биргаликда тайёрланган ва топширилган бир қатор объектлар ва тузилмалар кейинги бурғулаш билан тасдиқланди. Бухоро-Хива, Устюрт ва Фарғона минтақаларининг алоҳида участкаларида электрқидирув аномалияларининг жойлашиш хариталари қидирув ишлари самарадорлигини оширади ва шу билан нефть ва газ захираларининг ортишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Нефть ва газ конларининг геоэлектрик самараси ва уларни геофизик усулларда прогноз қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

V-5 SYSTEM-2000 асбоб-ускуналар мажмуаси билан электрқидирувнинг МТЗ усулида олинган дала материалларини қайта ишлаш учун дастурлар мажмуаси «Ўзбекгеофизика» АЖнинг материалларни қайта ишлаш марказида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 13 январдаги 03-17-5-249-сон маълумотномаси). Натижада, саноат ва табиий шовқинларни бостириш, геологик прогноз сифатини ва ишончилигини ошириш, иш вақти ва меҳнат ресурсларини тежаш имконини берган;

T-200 электрқидирув мажмуаси ускуналари ва V-8А ускуналари ёрдамида олинган ЗС-ЗИ ва ВП дала материалларини қайта ишлаш учун дастурлар мажмуаси «Ўзбекгеофизика» АЖнинг материалларни қайта ишлаш марказида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 13 январдаги 03-17-5-249-сон маълумотномаси). Натижада, қайта ишлашга сарфланадиган харажатларни камайтириш, ишлов бериш натижаларининг ишончилигини ва сифатини ошириш, натижаларни 1Д ва 2Д-версияларда тақдим этиш имконини берган;

Марказий Қизилқум кўтарилмасининг шарқий қисмида палеозой эраси ётқиқларининг чуқур геологик тузилишини ўрганиш мақсадида Оқтулпор (Оқбайтал) тузилмасида параметрик кудукни қазиб бўйича тавсия «Ўзбекнефтегаз» АЖ тизимидаги «Ўзгеобурғинефтегаз» АКда амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 13 январдаги 03-17-5-249-сон маълумотномаси). Натижада, 1П Оқтулпор параметрик кудугини бурғилаш палеозой ҳосилаларининг ички тузилишини, коллектор-жинсларнинг ва қоплама-жинсларнинг жойлашишини аниқлаш имконини берган;

Шарқий Устюртда нефть ва газга истиқболли электрқидирув аномалияларининг жойлашиш харитаси «Ўзбекгеофизика» АЖ «Устюрт геофизика экспедицияси» филиалида амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 13 январдаги 03-17-5-249-сон маълумотномаси). Натижада, қидирув ишлари самарадорлигини ва нефть ва газ захираларини ошириш имконини берган;

Денгизқўл ва Испанли-Чандир кўтарилмаларининг шарқий қисмида нефть ва газга истиқболли электрқидирув аномалияларининг жойлашиш харитаси «Ўзбекгеофизика» АЖ «Бухоро геофизика экспедицияси» филиалида амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020 йил 13 январдаги 03-17-5-249-сон маълумотномаси). Натижада, олинган қидирув ишлари самарадорлигини ҳамда нефть ва газ захираларини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иши чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон

Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 9 таси Республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 240 бетни ташил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг—**«Нефть ва газлиликни прогноз қилиш муаммолари бўйича геофизик тадқиқотларнинг ривожланиши ва ҳозирги ҳолати»** - деб номланган биринчи бобида муаммони ўрганилганлик ҳолатининг таҳлили келтирилган ва чет элда нефть ва газлиликни прогнозлаш муаммолари бўйича геофизик тадқиқотларни ривожлантиришнинг асосий босқичлари тўғрисида қисқача маълумот берилган.

Нефть ва газлиликни прогноз қилишда геофизик усуллардан фойдаланиш масалалари гравиқидирув бўйича - В.М. Березкин, Г.М. Комарова, А.С. Варламов, С.С. Азаров, Н.А. Лазерев, Л.Д. Немцов ва бошқалар; сейсмиқидирув ишлари бўйича - С.Ф. Болших, А.А. Кунарев, Л.Н. Давыдов, А.Г. Авербух, А.А. Никитин, Н.А. Мустафаев, Е.Е. Земцова, О.И. Рогозин, В.А. Гаранин, И.Я. Баллах ва бошқалар; электрқидирув ишлари бўйича - М.А. Киричек, З.Д. Круглова, Ю.С. Королков, А.П. Яковлев, А.С. Бугрова, А.К. Богуславский, К.С. Гумаров ва бошқалар; геофизик ва геологик усуллар мажмуаси бўйича – И.Г. Медовский, Н.А. Грибов, И.Г. Власова, З.А. Корх, Е.И. Ратнер ва бошқаларнинг илмий ишларида келтирилган.

Электрқидирувнинг ривожланишида К. Шлюмберже, С.С. Стефанеску, Н. Лундберг, К. Зундберг, А.Н. Тихонов, Л. Каньяр, М.Н. Бердичевский, Н.В. Липской, Т. Контуэлла, Ф. Бостик, Д. Рэнкин, В.И. Дмитриев, Л.Л. Ваньян, М.С. Жданов, И.А. Безрук, Ж. Уэйт, А. Прайс, Т. Гэмбл, Д. Ларсен, А. Джонс, А. Чейве, Г. Эгберт ва бошқа олимлар катта хисса қўшдилар.

Параметрик хусусиятга эга тажриба-услубий тадқиқотлар АҚШ, Хитой, Канада, Россия, Украина, Қозоғистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва бошқа давлатларнинг нефть ва газли минтақаларида ўтказилган.

Нашр қилинган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, нефть ва газ конларининг электр қаршилиги нефть ва газга тўйинганлиги ва ғовак бўшлиғининг тузилиши, қатлам сувнинг минераллашуви, термодинамик шароитлар ва

бошқалар билан белгиланади. Коннинг ўзида ва баъзида унинг атрофида қаршиликни қонуниятли зонал ўзгариши кузатилади. Аҳамиятли ўзгаришлар тўғридан-тўғри нефть ва газли қатламларда рўй бериши мумкин - кремнийлаш, сульфидлаш ва бошқалар.

Шундай қилиб, электрқидирув усулларидадан фойдаланган ҳолда углеводород конларида олинган аномал таъсирлар, углеводородлар кўтарилган диффузияли-филтрлаш оқими чегарасида коннинг ўзи ва юқорида жойлашган тоғ жинслари ўртасидаги қаршилик ва қутбланиш бўйича фарқи билан белгиланади, бу нефть ва газлиликни прогноз қилишнинг асосий мезонидир.

Нефть ва газли горизонтларда сувли қатламларга нисбатан қаршилик юқори, бу эса электрқидирув усуллари ёрдамида нефть ва газ конларини ва контурини аниқлаш учун ижобий шарт-шароитларни яратади.

Тадқиқот қилинаётган ҳудудларнинг электрқидирув усуллари билан ўрганилганликнинг қисқача тарихи берилган.

Ўзбекистонда нефть ва газ конларини электрқидирувининг шаклланиши ва ривожланиши, ушбу соҳага катта хисса қўшган олим ва мутахассислар: А.А. Азимбаев, Т.Л. Бабаджанов, М.Д. Басов, В.В. Белявский, О.И. Бобров, Н.Г. Зарипова, Ю.С. Корольков, М.А. Киричек, А.В. Киршин, Г.В. Ким, Ю.Е. Меркулов, Н.У. Мухутдинов, Н.М. Рашидов, В.Я. Синельников, Л.П. Сорочотяга, Б. Султанов, Л.С. Трусова ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқ.

1962-1963 йилларда ВНИИГеофизиканинг тўғридан-тўғри излаш лабораторияси (А.А. Кунарев, А.П. Яковлев, В.В. Грин,) "Ўзгеофизтрест" билан биргаликда Газли майдонида газ ва нефть конларини тўғридан-тўғри қидиришда геофизик усулларнинг имкониятларини баҳолаш мақсадида комплекс тадқиқотлар олиб борган.

Натижада Газли конидаги электрқидирувнинг барча усуллари учун маҳсулдор қатлам чуқурликларида қаршилик кучайиши қайд этилди. Газ кони атрофида чўқинди қатламнинг қаршилиги, конлар мавжуд бўлмаган қисми билан таққослаганда 1,5-1,8 баравар ортади.

Электрқидирув усуллари 1970-1990 й.й. Бухоро-Хива минтақасининг шимолий-ғарбий қисмида, Фарғона ботиқлигининг жанубий қисмида оралик экранларсиз кесимларда қўлланилган (Р.Э. Розенфельд, В.Я. Синельников). Бухоро-Хива минтақаси шароитида экран горизонтлар мавжуд бўлганда, катта масофада магнит майдон ҳосил қилиш усули кенг қўлланилган (Н.Г. Зарипова, А.В. Киршин, Г.Ю. Юлдашев, Л.С. Трусова).

Майдон тикланганда зондлаш ва дипол электр зондлаш усулларида углеводород конларидаги заиф аномал таъсирни ажратишда майдонни дифференциал ўзгартириш усуллари кенг қўлланилган (М.Д. Басов, А.В. Киршин, Г.Ю. Юлдашев, В.В. Разумовский).

Ўзбекистонда 1990-йилларнинг бошларида рақамли станцияларнинг, ЦЭС-2 ва кўп каналли аппаратур-дастурий комплексларнинг ЭИН-2000 киритилиши электрқидирувнинг самарадорлигини оширди (О.И. Бобров, М.А. Сайдалиев, А. Каниева, Т.М. Кучкарова, Н.М. Рашидов, Л.С. Трусова).

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Канаданинг «Phoenix geophysics Ltd» компаниясининг V-5 SYSTEM-2000 аппаратуралари МТЗ ва ЗС усуллари учун кенг қўлланилмоқда. 2008 йилдан бери у Бухоро-Хива минтақасида қўлланилади, регионал ва кидирув босқичларида ўзининг юқори аниқлигини исботлади (Н.М. Рашидов, А.А. Азимбаев).

Ўрганилаётган ҳудудларнинг геологик шароити ва ечилиши лозим бўлган вазифалар асосида электрқидирувнинг турли хил модификациялари қўлланилади. Чоржоу поғонасида тадқиқотлар МТЗ ва ЗСД-ЗИ усуллари ёрдамида амалга оширилади. Бухоро поғонаси ва Фарғона ботиқлигининг жанубий қисмида маҳсулдор горизонтлар камроқ чуқурликда, юқори қаршиликли экранларсиз жойлашган, шунинг учун бу ерда тадқиқотлар вертикал электр зондлаш-чақирилган қутибланиш (ВП-ВЭЗ), частотали зондлаш-чақирилган қутибланиш (ЧЗ-ВП) ва МТЗ усуллари ёрдамида олиб борилади.

ЭИН-2000 ва V-5 SYSTEM-2000 ёрдамида олинган рақамли электрқидирув маълумотларини қайта ишлаш ва уларни талқин қилиш «TELLAN» ва «SSMT-2000», «MtEditor», «WinGlink» ва бошқа қайта ишлаш комплекслари томонидан амалга оширилади.

Нефть ва газ кидирувининг батафсил масалаларини ҳал қилишда, аниқ геологик ва геофизик шароитга эга ҳар бир ҳудудда, қайта ишлашнинг ўзига хос усуллари самарали ҳисобланади. Ушбу комплексни танлаш, унинг самарадорлигини баҳолаш, фақат турли хил вариантларни синаш орқали ҳал этиш мумкин.

Электрқидирувининг самарадорлиги геологик ва геофизик маълумотларнинг миқдорига бевосита боғлиқ бўлиб, бу талқин қилиш моделини ва инверсиянинг умумий стратегиясини тўғри танлаш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, муҳим ютуқларга қарамай, бир қатор ҳал этилмаган: нефть ва газ конларининг геоэлектрик таъсирини ўрганиш; геоэлектрик моделларни қуриш; қийин геоэлектрик шароитларда нефть ва газга истиқболли зоналарни аниқлаш учун ишончли хусусиятларни аниқлаш; углеводород конларига тегишли аномалияларни ажратиш усулларини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш; электрқидирув материалларини бошқа геофизик усуллар билан, биринчи навбатда сейсмик изланишлар билан мажмуалаш каби долзарб муаммолар мавжуд.

Диссертациянинг – **«Ўзбекистоннинг нефть ва газ регионларининг геологик шароити ва геоэлектрик кесимнинг хусусиятлари»** - деб номланган иккинчи бобида нефть ва газли ҳудудларнинг геологик тузилиши ва геолого-геофизик тавсифи, маҳсулдор қатлам кесимининг литологик ва геоэлектрик хусусиятлари ва уларнинг стратиграфик ҳолати батафсил кўриб чиқилган.

Геологик муҳит ва углеводород уюмларининг ва тузоқларининг тури, уларнинг чуқурлиги ва геологик тузилишининг бошқа хусусиятларига қараб,

тоғ жинсларининг физик хусусиятларида ўзига хос ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Бухоро-Хива, Устюрт минтақалари ва Фарғона ботиклигининг геологик тузилиши тўғрисидаги маълумотлар Г.С. Абдуллаев, А.А. Абидов, А.М. Акрамходжаев, П.У. Ахмедов, А.Г. Бабаев, Т.Л. Бабаджонов, Ф.Г. Долгополов, А.Г. Ибрагимов, О.П. Мордвинцев, А.Х. Нугманов, А.Х. Урманов, А.Р. Хўжаев, М.С. Саидалиева, А.В. Киршин ва бошқаларнинг геологик ва геофизик тадқиқотлари натижаларига асосланган кўплаб монография ва мақолаларида келтирилган.

Бухоро-Хива минтақасининг умумлаштирилган геоэлектрик кесими унинг доирасида жойлашган кудуклардан олинган стандарт электрокаротаж маълумотлари ёрдамида тузилди. Таҳлил геоэлектрик кесимнинг қуйидаги хусусиятларини аниқлашга имкон берди.

Ер юзидан биринчи паст қаршиликли горизонт неоген ва юқори палеоген қатламлари бўлиб, улар кумтошлар, гил, шлакли тошлар ва аллювиал-пролувиал ҳосилалар билан ифодаланади. Горизонт 300–1000 м қалинликка ва 3–8 Омм қаршиликка эга.

Иккинчи электр горизонтига БХРнинг марказий ва жануби-шарқий қисмларида мавжуд бўлган палеогеннинг бухоро оҳактошлари киради. Бухоро қатламининг қалинлиги 70–142 м ва юқори 20–40 Омм қаршиликка эга.

Бухоро поғонасида палеогеннинг бухоро қатламлари қалинлиги (тахминан 15 м) ва электр қаршилигининг паст қийматлари билан ажралиб туради ва каротаж диаграммаларида деярли ажрамайди.

Учинчи горизонт катта қалинликка (600–1000м) ва 4–6 Омм қаршиликка эга бўлиб юқори бўр қатламига тўғри келади.

Тўртинчи горизонт қуйи бўрнинг альб ва апт ярусларига тўғри келади, уларнинг қалинлиги ва қаршилиги мос равишда 600–1000 м ва 8–20 Омм ташкил қилади.

Бешинчи горизонт 930 м гача қалинликдаги (Эрназар майдони №1–2–кудук), юқори юра даврининг туз-ангидрит ётқизикларини ўз ичига олади ва 50–100 Омм ва ундан юқори қаршилик кўрсаткичлари билан тавсифланади. Юқори юра давридаги туз-ангидрит қатламлари ҳамма ерда тарқалган ва тубидаги углеводород тўпланиши мумкин бўлган карбонат ётқизикларининг регионал қопламаси бўлиб ҳисобланади.

Олтинчи горизонт юқори юра даврининг карбонат ётқизиклари ҳисобланади. Ушбу ётқизиклар юзасига тегишли қайтарувчи горизонтлардан бири – Т<sub>6</sub> ҳисобланади. Карбонат юра асосан оҳактошлардан иборат бўлиб, кўпинча доломитлашган ва кучли доломитлашгандир. Оксфорд-кимеридж карбонат ётқизикларининг қалинлиги 10 м (Тошқудук, №5–кудук) дан 320 м (Учбаш майдони, №1–кудук) ўзгаради. Чоржоу поғонасида ушбу ётқизикларнинг қалинлиги 236–440 м ўзгаради. Келловей-кимеридж карбонат чўкиндиларининг қаршилиги қатлам коллекторларининг сув ёки нефть-газга тўйинганлигига қараб кенг доирада 5–140 Омм ўзгаради.



Еттинчи горизонт - терриген ётқизикларидан иборат континентал ва денгиз ҳосилаларидан ташкил топган комплексдир. Уларнинг қалинлиги 230–800 м ўзгаради ва 8–10 Ом қаршилиққа эга.

Сакқизинчи юқори қаршилиқли таянч горизонт 50–100 Ом ва ундан ортиқ қаршилиққа эга бўлган метаморфлашган чўкинди ва зич жинслардан иборат палеозой қатламидир.

Электр хусусиятлари жиҳатидан кесимнинг аниқ фарқланиши, таянч геологик горизонтларнинг регионал тарқалганлиги, таянч усти қатламларнинг сезиларли қалинлиги электрқидирув ишларини олиб бориш учун қулай шароит яратади, бошқа томондан, ҳудуднинг юқори қисмидаги юқори қаршилиқли қатламларнинг мавжудлиги углеводород конларидан келадиган фойдали сигналларга тўсқинлик қилади.

Фарғона ботиқлиги Жанубий қисмининг умумлаштирилган геоэлектрик кесими стандарт электрокаратаж маълумотлари бўйича тузилди.

Хонқиз, Ғарбий Полвонтош, Жанубий Аламишиқ майдонларида стандарт электрокаратажни қайта ишлаш натижалари, аввалги тадқиқотчиларнинг (М.Д. Басов, В.Я. Синельников, А.В. Киршин, Н.У. Мухутдинов), кесимнинг юқори қисми, неогеннинг сох ва бактрия свиталари конгломератлардан ташкил топган, жуда юқори қаршилиққа эга ва 150–300 Ом этади деган хулосаларини тасдиқлади ва у биринчи юқори қаршилиқли горизонт бўлади. Бактрия ётқизикларининг қалинлиги Конибодомда –1700 м, Андижонда – 600 м ташкил қилади.

Массагет свитасининг юқори ётқизикларининг қаршилиги 50–100 Ом, пастки қатламлариники жуда паст 5–10 Ом ва улар иккинчи ва учинчи геоэлектрик горизонтлардир.

Нисбатан юқори қаршилиқли палеогеннинг сумсар, сузак туркистон, алай ва бухоро қатламлари тўртинчи геоэлектрик горизонтдир ва устида ётувчи массагет ётқизикларига нисбатан 10 баравар юқори қаршилиққа эга.

Паст қаршилиқ бешинчи геоэлектрик горизонт – бўр ётқизикларига мансуб қатламлардир.

Олтинчи геоэлектрик горизонт юра даврига тегишли бўлиб 40–100 Ом қаршилиққа эга. Юра чўкинди жинсларининг умумий қалинлиги 200–350 м этади.

Еттинчи геоэлектрик горизонтни - юқори қаршилиқли палеозой чўкиндилари ташкил қилади, геофизик маълумотларга кўра у блокли тузилишга эга ва 0 дан 7,0 км чуқурликда ётади.

Устюрт минтақасининг мезо-кайнозой ва юқори-палеозой ётқизиклари кесимининг геоэлектрик тавсифи Акчалак, Арал, Урга, Бердах, Сургил, Мўйноқ, Қизилшоли, Приозерная ва бошқа майдонлардаги чуқур қудуқларда ўтказилган стандарт электрокаратаж материалларини қайта ишлаш асосида ва А.М. Акрамходжаев, Г.С. Абдуллаев, Х.Х. Авазхаджаев, Т.Л. Бабаджанов, М.Д. Басов, Ю.Е. Меркулов А.В. Рыбачков ва бошқаларнинг маълумотларидан фойдаланиб ишлаб чиқилди.

Биринчи горизонтга палеоген ва бўр тизимларининг ётқизикларини киритиш мумкин (неоком қатлами ётқизиклари бундан мустасно), улар асосан паст қаршиликли гил, аргиллитлар ва қумтошлардан иборат. Паст қаршиликли горизонт 1800–2000 м қалинлик ва 0,5–1,0 Ом қаршилиқ билан тавсифланади.

Иккинчи геоэлектрик горизонт 2–3 Ом (6 Ом) бўлган қаршилиқ қийматлари билан тавсифланадиган қуйи бўр ва юқори юра даврларининг жинслари билан ифодаланган, бу биринчи горизонтнинг қаршилигидан 3–6 марта ошиқроқ.

Юқори юра даври тоғ жинслари континентал ва денгиз ҳосилаларидан ташкил топган. Юқори юра даври оҳақтошларига таянч қайтарувчи горизонт – Т<sub>III</sub> мос келади. Геоэлектрик горизонтнинг қалинлиги Акчалак майдонида тахминан 300 м ташкил қилади ва Приозерная майдонида 1300 м етади.

Учинчи геоэлектрик горизонт ўрта юра ётқизикларининг юзаси бўйлаб жойлашган, барча майдонларда аниқ кузатилади ва шартли равишда палеозой ётқизикларининг юзаси билан чекланган. Учинчи горизонтнинг қаршилиги 10–30 Ом. Горизонтнинг қалинлиги 700–1400 м ўзгаради.

Тўртинчи геоэлектрик горизонт палеозой даври тоғ жинслари билан боғлиқ ва таянч горизонт бўлиб ҳисобланади. Унинг очилган қалинлиги 50–70 дан 400–600 м ўзгаради.

Умуман олганда, юра усти қатламларнинг геоэлектрик қисми паст қаршилиқ сифатида тавсифланади. Кесимда жуда сезиларли, аммо чуқурлик бўйича баъзи фарқлар билан, тўртта геоэлектрик горизонт мавжуд бўлиб, уларнинг қаршилиги чуқурликда ортиб, горизонтдан горизонтга қарийб уч барабар кўпаяди. Тўртинчи геоэлектрик горизонтнинг қаршилиги (палеозой) тахминан 10 марта ошади.

Ўзбекистоннинг нефть ва газли ҳудудларининг геологик ва геоэлектрик хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатадики, Бухоро-Хива минтақасининг геоэлектрик кесими саккиз қатламли бўлиб, қаршилиқ ва қалинлиги бири-бирдан сезиларли фарқ қилади. Электрқидирув ишлари учун энг қулай геологик шароитларга эга бўлган Устюрт минтақаси ҳисобланади, унинг геоэлектрик кесими 4-5 қатламдан иборат. Бу ерда паст қаршиликли ётқизиклар бевосита юқори қаршиликли таянч палеозой ётқизиклари устида ётади. Маҳсулдор қатламларнинг нисбатан чуқур ётиши углеводород конларининг аномал таъсирининг интенсивлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу муносабат билан, Ўзбекистоннинг геологик шароитида юқори аниқликдаги, шовқинга бардошли электрқидирув усулларини жорий этиш ва кесимдаги локал ножинсликка сезгир бўлган маълумотларни талқин қилиш усулларини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Диссертациянинг – «**Углеводород уюмлари ва асосий тоғ жинсларининг геоэлектрик самаралари**» - деб номланган учинчи бобида Бухоро-Хива, Фарғона ва Устюрт ҳудудларида жойлашган турли хил конларда-эталон объектларда углеводород конларининг геоэлектрик хусусиятларини ўрганиш натижалари берилган. Углеводород конларини аниқлашнинг ишонччилигини

ошириш учун маълум конларда кўп миқдордаги параметрик кузатувлар ўтказилди ва геоэлектрик кесим параметрларининг қонуниятлари аниқланди, параметрик ва модел маълумотларнинг биргаликдаги таҳлили бажарилди.

Конларнинг геоэлектрик моделларини куриш усуллари ва кузатилаётган электромагнит майдонларда юзага келадиган таъсирлар кўрсатилган. Ўрганилаётган ҳудудга хос бўлган моделлар имкон қадар максимал миқдори таҳлил қилинди.

Бухоро поғонасида туз-ангидрит ётқизикларининг тўлиқ ёки қисман йўқлиги сабабли, конлар юра ва бўр кесимида кўп қаватли газли уюмга эга.

БХРнинг жануби-шарқий қисмида, келловей-кимеридж оҳактошларига тегишли рифли тузилма-литологик турдаги тузоқларда массивли УВ уюмлари кенг тарқалган ва улар юқори ҳажмий ҳамда сизиб ўтиш хусусиятлари билан ажралиб турадилар.

Биринчи турдаги конлар, ёлғиз рифлар энг юқори (кон баландлиги 250 м дан ортиқ), захираларнинг зичлиги ва тузоқни тўлдириш даражаси билан ажралиб турадилар. Уларда аномал юқори босим (АВПД) (Жанубий Памук, Зеварди, Алан ва бошқалар) деярли ҳамма жойда кузатилади.

Иккинчи турдаги конлар (Шўртан, Шимолий Шўртан, Гармистон, Шакарбулок) қулай тузилмавий-тектоник шароитларнинг тўсиқ рифларига бирлашиши билан боғлиқ. Тузилмавий ва литологик омиллар туфайли конларда АВПД деярли йўқ. Ушбу турдаги барча конларнинг пастки қисми сув билан тўлган бўлади.

Учинчи турдаги конлар тўсиқли риф тизимининг орқа қисмларида ва риф массивларида (Чегара, Гавана, Жебе, Арниёз ва Шода) литологик жиҳатдан чекланган тузоқлар билан боғлиқ. Бу ерда АВПД йўқ, уюмнинг баландлиги 50–80 м ошмайди, ҳамма жойда риф резервуарининг бир қисмини сув босади, кўпинча газ резервуарининг пастки қисмида нефть учрайди.

Тўртинчи турдаги конлар локал ҳосилаларга тегишли биогермлар туридаги (Култак, Гирсан, Жанубий Алан ва бошқалар) литологик чекланган конлар билан боғлиқ. Бу ерда пастки ангидритлар остида юқори гаммли қатлам ётади, унинг остида органиген ўтказувчан оҳактошлар очилган ва АВПД ҳамма жойда кузатилган.

Бешинчи турдаги конлар терриген юранинг XVIII горизонти, линза кўринишидаги ўтказувчан қумтошлар билан боғлиқ ва улар қатлам-гумбаз ҳамда литологик турдаги бирлашган тузоқ ташкил қиладилар. Қопқоқ ва литологик тўсиқ, қалинлиги 90–100 м бўлган оҳактош қатлам кам учрайдиган гиллардан иборат. Линзасимон коллекторларнинг қалинлиги 10–20 м ташкил қилади.

Кўриб чиқиладиган ҳудудда юра давригача бўлган комплексда углеводород конларининг мавжудлиги қайд этилган.

Геологик тузилмаларнинг мураккаблиги ва кон турларининг хилма-хиллиги геофизик майдонларда уларнинг сезиларли даражада фарқли намоён бўлишига, кузатилаётган аномалияларнинг табиати ва интенсивлигига ва

уларни аниқлаш даражаларининг турлича бўлишига олиб келади. Шунинг учун диссертацияда ҳар хил турдаги конларнинг геоэлектрик моделлари курилиб, батафсил таҳлил қилинди.

Бухоро-Хивадаги Қандим, Зеварди, Ўртабулок, Култак, Памук, Янгиказган, Устюрт худудидаги Акчалак ва Фарғона ботиқлигидаги Хонқиз, Ғарбий Полвонтош каби конларнинг геоэлектрик самаралари ўрганилганлиги келтирилади.

Эталон конлар моделларининг таҳлили, углеводород конларининг геоэлектрик тавсифи жуда мураккаб эканлигини тасдиқлайди, аммо шунга қарамай, уларнинг умумий хусусиятлари: конлар ичидаги ва ташқарисидаги тоғ жинсларининг геоэлектрик дифференциацияси, маҳсулдор қатлам чегараси устида аномал юқори қаршилик зоналарининг мавжудлиги сақланиб қолади. Ҳар бир аниқ вазиятда унинг электромагнит майдонидаги ўзига хос намоён бўлиши конларнинг ва тузоқларнинг турлари, уларнинг чуқурлиги, қопламнинг табиати ва геологик тузилишнинг бошқа хусусиятлари билан белгиланади.

Модел маълумотларига асосланиб, электрқидирув усулларидадан фойдаланган ҳолда углеводород конлари жойлашган қатлам ва устидаги ореоллари орқали прогноз қилиш мумкин деган хулосага келишимиз мумкин.

Диссертациянинг – **«Нефть ва газ конларини излашда электрқидирув тадқиқотларининг услубий асослари»** - деб номланган тўртинчи бобда замонавий асбоблардан фойдаланган ҳолда электрқидирув кузатувларининг аниқлиги ва мукамаллигини ошириш усуллари, ҳудуднинг геологик ва геофизик шароитларини ҳисобга олган ҳолда энг самарали қидирув усулини танлаш, геофизик усулларни оқилона бирлаштириш ва олинган материалларни талқин қилишда махсус усуллардан фойдаланиш батафсил кўриб чиқилган.

Канаданинг «Phoenix Geophysics Ltd» компаниясининг V-5 SYSTEM-2000, ЭИН-2000 (Козоғистон–Россия) туридаги юқори самарали, замонавий юқори аниқликдаги (АПК) комплекслари ёрдамида дала ишларини бажариш усуллари ва уларнинг афзалликлари ёритилган.

МТЗ материалларини қайта ишлаш ва талқин қилиш усуллари ва уларни такомиллаштириш, ҳамда нефть ва газлиликни прогнозлаш муаммоларини ҳал қилиш кетма-кетлиги кўриб чиқилган.

Тадқиқот давомида МТ-майдонини дифференциал ўзгартиришнинг турли хил усуллари синовдан ўтказилди: "филтрлаш" усули (М.Н. Бердичевский, В.И. Дмитриев) ва диссертант томонидан ишлаб чиқилган оралик ўтказувчанликни аниқлаш усули локал ножинсларни ажратиш аниқлиги юқори бўлган электромагнит майдонда жуда заиф акс этган фойдали сигналларни аниқлашда синаб кўрилди.

Оралик ўтказувчанликни аниқлаш усули электромагнит майдон даврининг ошиши билан туюлма ўтказувчанликнинг ортиши аввалги ўтказувчанликнинг фарқига асосланган, яъни чуқурлик ошиши билан пастдан янги қатлам кўшилади, параллел ўтказгичлар қонунига мувофиқ ҳосил бўлган янги қатламларнинг ўтказувчанлиги ўзаро кўшилади.

Усулда умумий бўйлама ўтказувчанлик -  $S$  дан юқори горизонтларнинг ўтказувчанлигини кетма-кет айириш ғояси амалга оширилган.

Ўтказувчанлик параметлари кесимлари,  $\sqrt{T}$  даврга боғлиқ ҳолда тузилади ва сифатли талқин босқичидан сўнг, чуқурлик ( $H_{эфф}$ ) га боғлаб қурилади.

МТЗ маълумотларини миқдорий талқин қилиш босқичида геоэлектрик кесим ҳақидаги маълумотлар ҳисобга олинади.

Юқорида келтирилган усул билан МТ-майдон ўзгартирилса у градиент кесимга эга бўлади, унда ҳар бир ўрганилаётган майдон учун модел танлаш усули билан  $H_{эфф}=f(\sqrt{T})$  корреляцион боғлиқлик қурилади. Қудуқларнинг маълумотларини қайта ишлаш натижалари ва ўрганилаётган ҳудудга хос бўлган МТЗ маълумотларидан фойдаланилади.

